

ИШЧИ НОМИ МАҒРУР ЖАРАНГЛАР ШОН-ШУҲРАТИ ТИЛЛАРДА ЯНГРАР

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

16 йил чиқиши.

№ 56 (4047).

20
МАРТ
ПАШАНБА
1969 йил

Баҳоси 2 тийин.

Шонли ишчилар синфи коммунистик партиямиз раҳбарлигида мислсиз мўъжизалар яратмоқда. Янги завод ва фабрикалар, янги шаҳар ва қишлоқлар, замонавий техника ва космик кемалар — булар ҳаммаси меҳнатсевар ишчилар қўли билан бунёд этилмоқда.

Мамлакатимизда қаҳрамон ишчилар синфи етакчилигида коммунизм моддий-техника базаси муваффақиятли барпо этилмоқда. Шу кунларда фахримиз ва ғуруримиз — минг-янгилар ишчилар доҳий-миз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан қутиб олиш учун бир тан-бир жон бўлиб курашмоқдалар.

Газетамизнинг бугунги сониде босилган материалларда Ватанимиз шон-шуҳратини оширишга ҳисса қўшаётган областимиз ишчиларининг ажойиб меҳнат фаолияти тарафдан этилади.



ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ЗАВОДНИНГ ОТАХОН ИШЧИЛАРИ



БУЛАР—республикамизнинг отахон ишчилари, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан буён областимиз саноати шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган кекса гвардиячилар. Слесарь О. Мухаммедов (чапдан), катта мастер Н. Нестеренко, пенсия омер Х. Абдуллаев, токарь А. Қодиров, слесарь А. Абдувоҳидов, пенсионер Ф. Пронин уртқоқлар бир корхона тузини кўп йиллар бирга татишган. Уларнинг қўлидаги ҳозир ҳам қадридон корхона — Октябрь революцияси номидаги тепловоз-вагон ремонт заводида ишламоқда. А. Абалин фотоси.

ЭСТАФЕТА ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА



МИРАБЗАЛ МИРСОДИҚОВ Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводининг ёш ишчиси. У оталарининг изидан бориб, ишчи деган улуг номин шарафламоқда.

В. Сироткин фотоси.

МЕН ИШЧИМАН

Мен ишчиман — қадок қўлим, пешона терим
Мўъжизалар яратгани аён башарга.
Қўлимга иш бериб, азиз шу она ерим —
Ғишт қўйдириб оро берган қишлоқ, шаҳарга.

Моторларнинг қалби урса менинг қалбимдир,
Пулат қайнаб, дарё бўлур менинг назиимга,
Кониотта йўл олмоқда учқур кемалар,
Ой рўмолни олиб яшнаб чиқди таъзимга.

Дарёларнинг қудратини тугиб қўлимга
Эл туларини нурга қўшиб ёғду бўламан,
Чаманлардан поёндозлар тўшаб йўлимга,
Саҳроларнинг гул умрига орзу бўламан.

Ер тубига қадам қўйсам жаҳоҳир кони
Қўлларимда ёғду каби жилолнади,
Мен ишчиман — шу меҳнатқаш башар жаҳони
Менга боқиб, меҳри мисли нур товланади.

Мен яратган машиналар кезар жаҳонни,
Саҳроларга сув келтириб этади обод.
Ҳақиқатга айлантириб қадим армонни
Истиқболнинг гулшанларини этади бунёд.

Она ерим ясантириш касбу қориндир,
Шу ниятга ниҳонанга юрман ҳар тонг.
Мен яратган машиналар ифтихоримдир,
Жаҳон обод бўлсин дея урар улар бонг.

Мен ишчиман — қадок қўлим, пешона терим
Мўъжизалар яратгани аён башарга.
Қўлимга иш бериб, азиз шу она ерим —
Ғишт қўйдириб, оро берган қишлоқ, шаҳарга.

НАЗАРМАТ.

ХИМИЯ ҚУРИЛИШЛАРИГА--ЗАРБДОР СУРЪАТ

Партия ва ҳукуматимиз химия саноатини тез суръатлар билан юксалтириш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда янги кўпайтириш юзасидан сўнги йилларда қатор тадбирларни ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши билан қишлоқ хўжалигига тагин ҳам кўпроқ минерал ўғитлар етказиб бериш, пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари тугилди.

Областимиз химия саноати корхоналари коллективлари партия ва ҳукуматимиз қарорларини амалга ошириб йил сайин янги қувавларни ишта туширмоқдалар, махсулот ишлаб чиқаришда кўпайтирмоқдалар.

Областимиз химия саноатининг йиллик қўшимча ҳисобланган Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи беш йилликнинг учинчи йилида алоҳида гайрат ва ташаббус билан меҳнат қилди. Кимёгарлар ўзaro социалистик мусобақани кенг қўлчи ёйдириб ҳамда ички имкониятларини тўла ишга солиб йиллик планга қўшимча равишда 32 минг тонна минерал ўғит тайёрлаб, колхоз ва совхозларга жўнатдилар. Корхонада планлаштиришнинг ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси жорий этилгач, қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар йил давомида 2,4 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Чирчиқ кимёгарлари беш йилликнинг тўртинчи йилини ҳам муваффақиятли бошладилар. Коллектив В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб қутиб олиш учун курашариб дастлабки икки ойлик топшириқни ортиги билан адо этди.

Бу йил областимизда яна бир улкан химия корхонаси бунёд этилади. Олмаликда қад кўтарайётган аммофос заводи қурилиши мисли қурилмаган тез суръатлар билан олиб бориладир.

Областимиз партия, совет ва комсомол ташкилотлари мазкур объект қурилишига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Завод қурилишининг бориши ҳақидаги масала шу йилнинг январь ойида область партия комитети бюросида муҳокама қилингандан кейин қурилиш ташкилотлари ўз ишларида бир қатор ўзгаришлар ясадилар. Шаҳар штаби корхона қурилишида иштирок этаётган коллективлар иши устидан пухта назорат ўрнатди.

Январь ойида бу ерда қурилиш-монтаж ишлари планга муваффақиятли бажарилди. Лекин февраль ойида эса марра эгаламай қолди. Меҳнатини ташкил этиш, оператив раҳбарлик қилиш, бинокорлик материалларини етказиб бериш устидан назоратнинг бўшашиб кетганилиги натижасида февраль ойи планни 90,6 процентда қўлиб кетди. 76 минг сўмлик иш бажарилмай қолди.

Айниқса «Сталмонтаж» бошқармаси, «Спецдзеватормелстрой» трести бошқармаси, «Алмаликсинестрой» трестининг 3- ва 5-бошқармалари, «Ташоблтрансестрой» трести бошқармаси ишни бўшаштириб юбордилар. Натижада фосфат хомашёси пехи қурилиши графикадан 25 кун, насос қурилиши 8 кун, градирня қурилиши 15 кун, канализация системаси қурилиши беш кун кечикиб кетди. Топшириқларнинг бажарилмай қолишида Ўзбекистон ССР химия саноати бошқармаси, қурилайётган корхона дирекцияси ҳам айбондилар. Улар деракли усулларини 3-январда бинокорларга етказиб беролмадилар. Январь, февраль ойларида 155 дона технологик ускуна вақтида етиб келмади.

Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюроси йилгилида мана шу олинди. Бюрода 160-қурилиш трести бошқарувчиси Г. Л. Кроткевич ва «Алмаликсинестрой» трести бошқарувчиси Ю. Г. Чернов уртқоқлар докладлари муҳокама қилинди.

Муҳокамада сўзга чиққан область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарев, область партия комитетининг секретари К. Н. Бекаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С.

Р. Расулов, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ф. Екүбов, «Алмаликсинестрой» трести партия комитетининг секретари М. А. Николаева, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бўлим бошлиғи М. Ф. Полевой ва бошқа уртқоқлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1968—1972 йилларда минерал ўғитлар саноатини ривожлантириш тадбирлари» ҳақидаги қарорини бажариш йўлида бир қатор муваффақиятларнинг қўлга киритилганини алоҳида қайд қилдилар. Айни пайтда улар Чирчиқ электрохимия комбинатида янги қувавларни ишта тушириш, Олмалик химия заводи қурилишини жадаллаштириш соҳасида бинокорлар ва кимёгарлар олдига турган вазифалар устида ҳам тўхтадилар.

Бюрода область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов нуқ сўзлади. Бюро муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

КОСМОНАВТ Е. В. ХРУНОВ БИЛАН А. С. ЕЛИСЕЕВ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

«Союз-4» ва «Союз-5» кемаларида космосда ўтказилган мислсиз эксперимент қатнашчилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, космонавт-ўқувчилар Е. В. Хрунов ва А. С. Елисеев 19 мартда Ўзбекистон пойтахтига меҳмон бўлиб келишди. Е. В. Хрунов билан А. С. Елисеев шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишларини бориб кўрдилар. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида бўлдилар.

Космонавтлар республикада бўлган вақтларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишадилар.

(ЎЗТАГ).

